АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА БИРЛИК ШЕЪР

Қ.В.Юлчиев

Мақолада Алишер Навоий ижодида бирлик шеърнинг қўлланиши, ғоявий-бадиий ўзига хослиги ёритилган ва шу асосда ўзбек муттоз шеъриятида ҳам бирлик шеър мавжуд бўлган, демак, бугунги шеъриятдаги бирликлар ўз генезиси, шаклланиш ва такомил йўлига эга, деган хулоса чиқарилган.

Калит сўзлар: *бирлик, жанр, генезис, шеър композицияси, стилистика, тематика, ритм, қофия, структура.*

В статье исследуется применение одностиший в творчестве Алишера Навои и их идейно-художественное своеобразие, и на этой основе утверждается, что одностшия имели место и в классической поэзии, а значит, имеют свой генезис и многовековой путь развития.

Ключевые слова: *моностих, жанр, генезис, композиция стиха, стилистика, тематика, ритм, рифма, структура.*

The article investigates the use of the genre of «Birlik» (Unity) in the creations of Alisher Navai, their specific ideological and literary features, on the basis of which the of is proved that «Birlik» could be found in classical poesie so it has it's genesis and centuries long way of development.

Keywords: *birlik, genre, genesis, composition, stylistics, themes, rhythm, rhyme, structure.*

Бадиий ижод жараёни мураккаб руҳий-психологик ҳодиса бўлиб, уни англаш, тушуниш тадқиқотчидан катта билим ва малака талаб этади. Бунда танланган объектга янгича ёндашув, унинг янги қирраларини кашф этишга интилиш ва уларни илмий асослаш муҳим ўринга эга бўлади. «Умуман, ҳар қандай индивидуал танқидий ёндашув турнинг янги бўғинини, янги жанр моделининг аниқланишини англатади» [2.244]. Демак, бир қаторли лирик асарларнинг ҳам лирик шеър ёки бирлик жанрига мансуб эканлигини аниқлашда олимнинг юқорида келтирилган фикрлари асосида иш юритиш мумкин. Яъни ҳар қандай бадиий асар маълум бир тингловчига мўлжалланган, унинг реал ҳаёт билан боғланган ҳамда ана шу боғланганлик асар стилистикаси, мавзуси ва композицион тузилишини белгилашини биринчи галда ёдда сақлаш лозим.

Бирлик шеър ва унинг тарихий такомилида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳам ўрни беқиёсдир. «Мезон-ул-авзон»да тақтеъ ва унинг моҳияти, турли ҳарфларни қўллашда тақтеънинг табиатига оид фикрларини исботлаш мақсадида бир нечта мисра келтирилган. Улар ўз моҳиятига кўра, бирликнинг генезисида асосий ўрин тутади. Масалан, «Шеър тақтиъи иборат андиндурким, байт алфозини бир-биридин айирғайлар, ул навъким, байтнинг ҳар миқдори тенг тушгай ул биҳорнинг афоъийлидин бир-биригаким, ул байт баҳрида воқиъдур, ва тариқа будурким, мулоҳаза ҳаракатининг нафсиға воқиъ бўлғай, йўққим, аҳволиғаки, ул фатҳа ва замма ва касрадур ва малфуз эътибор қилғай, йўқ мактуб, ва ҳар ҳарфики лафзда келғай, агарчи китобатда бўлмағай, тақтиъда ҳисобга киргай, нечукким, мушаддад ҳурур ва «алиф» декки, «ҳамза» ишбоъидин ҳосил бўлур, андоҳким, мисраъ:

Кетти улким, сендин ором истагаймен,
эй кўнгил» [1.54].

Мазкур мисра рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган бўлиб буюк мутафаккир Алишер Навоий ушбу ўринда касра, ташдиднинг ёзувда акс этмаслиги, бироқ шеър ўқилишида улар инобатга олиниши ҳамда шеър вазнини аниқлаш, мисрани ўқишда бу ҳол зарурлигини таъкидлаб, мисраъдан далил сифатида фойдаланган. Шоир келтирилган бирликни ёзишгача бўлган жараёнда кўнглини қийнаган, унга тинчлик бермай келган (маъшуқа, ижод жараёни, севги азоби, ҳижрон, комиллик истаги ва ҳоказо) ҳолатнинг чекингани ва энди ўзи ҳам кўнгли бироз тинчланишини исташини айтмоқда. Бу ерда кўнгил етакчи образ бўлиб, шу орқали лирик субъектнинг ички дунёси очиб берилмоқда. Яъни лирик субъект ўзини кўнгил билан суҳбат қураётган одамдек тутган. Унинг мавзуси реал ҳаётий воқелик билан боғлангани, тезис (кетди улким) + синтез (сендин ором)+ хулоса (истагаймен, эй кўнгил) шаклидаги лирик композицион структурага эга. Ифода усулига кўра ҳам лирик субъектнинг кечинмаси ором ва оромсизлик маъносидаги ҳолатларнинг ўзаро қаршилантирилиши натижасига асосланган. Маълум бўляптики, буюк шоиримиз мисрани мустақил шеър сифатида келтирган, унинг жанрга хос хусусиятини яхши билган. Шунинг ўзиёқ мисра мустақил жанрга мансуб асар эканлигини исботлайди.

Бошқа ўринда эса алиф, вов, у изофасининг шеърни ўқишдаги ўрнини кўрсатиш мақсадида қуйидаги мисрани келтиради:

Хўрду хобим бу дабистон айламиш [1.54].

Мисра рамали мусаддаси маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилган бўлиб, маъшуқа лирик субъектга ишқдан сабоқ бера бошлагани

айтилган. Лирик композиция тезис (хўрду хобим – аҳволимнинг хоб билан ўнгнинг фарқи қолмагач) + антитезис (бу дабистон айламиш) + хулоса (энди мен унга толибман). Гарчи хулоса матнга киритилмаган бўлса-да, лирик композициянинг мантиқий ривожи уни тақозо этади.

Нун ҳарфининг вов, алиф ва йо дан олдин, кейин ёки уларнинг орасида бўлиш ҳолати учрашига оид мулоҳазаларни исботлаш мақсадида эса қуйидаги мисра келтирилган:

Жонон мани \ маҳ-зунға қилур \ ким пинҳон

[1.54].

Бу ерда мустафъилун \ мустафъилун\ мафъулун – ражази мусаддаси мақту вазнидан фойдаланилган. Мавзуси эса реал ҳаётий воқеликка изоҳ тарзида келади. Лирик «мен»га бўлган муҳаббатини бошқаларга ошкор этмаслик учун атай жонон чеҳрасини очмади. Лекин ана шу хафалигининг ичида мен борман, дея муҳаббатининг изҳорини ўзига хос йўсинда камтарона ифодалайди.

Лаълинг майидин эрур кўнгул масти аласт

[1.54]

«Лаълинг майи» ва «маст аласт» сўз бирикмалари мисранинг мазмуний структурасини белгиловчи асосий код вазифасини бажарган. Биринчи бирикма маъшуқанинг қизил лаби, унинг чиройи, висол, бахт, етуклик, илоҳий ишқ, ҳаёт, тириклик суви каби маъноларида келади ва шунга мос равишда мисранинг мазмуний доираси ҳам кенгайиб бораверади. Чунки кейинги бирикма кўнгил ҳолатини ифодалайди. Бу иккиси бир хил кечинма ёки ҳолатнинг икки томони сифатида шеър композициясида тезис ва хулоса вазифасини ҳам бажарган. Бу ердаги бош образ кўнгил, лекин шеърда объектив воқелик лирик субъект томонидан баён этилган. Натижада шеър объектив тасвирга, «саҳнадаги ижро»га айланган.

Яна ёр айлади бедоде бунёд. [1.55]

Мафоийлун мафоийлун мафоъийл (Ҳазажи мусаддаси мақсур арузи ва зарб) тарзида вазнга солинган ушбу мисрада маъшуқанинг ошиғига зулми қайтадан бошлангани таъкидланиб, тезис (яна ёр айлади) + антитезис (бедоде бунёд) тарзидаги лирик композиция, й, б, д товушларининг такрори мисрадаги лирик кечинманинг эстетик таъсирини кучайтирган. Мазкур шеърий контекстда ошиқ ва маъшуқа образларининг мавжудлиги, уларнинг ҳаракатларидаги зиддият мисрада мазмуний структураларнинг юзага келишида ёрдам бермоқда.

Лирик субъект шу қадар таъсирчан характерга эга бўлиб, мулоҳазалари теран ва нозик эканлиги ифодаланган. Унинг кўнглидаги оддий зарралар маъшуқа билан учрашиш, комилликка интилиш, мақсадга етишиш, ҳаётни англаш каби юкларнинг янчилган, эзилган парчалари эканлиги қуйидаги шеърда берилган:

Ғам юкидин кўнгилда кўфтидурур [1.55].

Бирлик рамали мусаддаси махбуни маҳзуф (фоилотун фаилотун фаилун) вазнида ёзилган.

Жаҳон бўлмасун дўст гар бўлмасун дўст [1.55].

Дунёда дўстнинг борлиги, дўстликнинг аҳамияти оламнинг пайдо бўлиши ва мавжудлигида муҳим эканлиги ушбу шеърда тараннум этилган. Дарҳақиқат, дўст ва дўстлик бўлмаса, оламнинг маъно моҳияти йўқолади. Бу ерда дўст яқин сирдош, қалбларга ошнолик, маънавий яқинлик, меҳр улушувчи, оғирни енгил қилувчи, дардни олувчи, борлиқни гўзал этувчи, бахт улашувчи, ҳаётга рағбат берувчи каби маъноларда келган. Бунда ҳам тезис (борлик, йўқлик) ва хулоса (дўстнинг борлиги) шаклидаги композиция мавжуд.

Ман агар ёрдин айрилмасам эрмасдур тонг

[1.55].

деган мисрада «ёр» ва «тонг» турли маъно кўчимлари вазифасини бажарган. Биринчи галда ёр бу Оллоҳ, у ўзидан инсонни яратди ва одамнинг ҳаётига тонг, ҳайрат, ёруғлик, ривожланиш берди. Унгача унда ўзни англаш, ўзни излаш эҳтиёжи бўлмаган. Иккинчи ўринда, ёрдан мурод висол экан, аввал ундан айрилиш керак. Шунда унинг қадри билинади. Кимлиги, қандай эканлиги англанади. Учинчидан, менинг кимлигимни билмоқчи бўлганлар, мени ёрдан айирсин, унгача мендаги мен, яъни ўзлик юзага чиқмайди.

Борди ул шўху кетти иш мендин [1.55].

Ул гўзал ёр мендан узоқлашган эди, қўлимдаги омадим, бахтим, умрим маъноси ҳам кетди. Мендаги маҳзунликка, фикримдаги йўқликка, тушкунликка сабаб битта. У ҳам бўлса, ўз шўхликлари билан ҳаётимга маъно, руҳимга қувват, қалбимга жўшқинлик берган ёрдир. Лирик субъект бу ерда реал воқеликка асосланган руҳий ҳолатни тасвирлаяпти. У яқин, севган кишисидан айрилганини ифодалаган.

Шу тариқа мазкур асарда жами 9 та мисра келтирилади. Уларнинг ифода усули, мазмуни, кечинмаси ўзига хос бўлиб, барчаси мустақил, алоҳида-алоҳида асар сифатида берилган.

Бундан ташқари, буюк мутафаккир «Муншаот» таркибидаги 95 сонли мактубда ва «Вақфия»да ҳам ўрни билан биттадан мисра келтирган. Демак, шоир мисранинг мустақил жанр эканини билган ва унинг имкониятидан унумли фойдаланган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, бирлик мумтоз адабиётимиз тарихида алоҳида ўринга эга, уни алоҳида жанр деб аташ мумкин. Бирлик ўзининг шаклий ва мазмуний яхлитлиги учун зарур бўлган лирик композицион, тематик, проблематик, ритмик-стилистик, образ ва образли ифода воситаси ҳамда усулларига эга мустақил жанр саналади. Бу эса ўзбек шеъриятидаги кичик лирик жанрлар четдан ўзлашган ёки йўқ ердан пайдо бўлди, деган қарашларни тўла инкор этишимизга илмий асос беради.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик.16-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1999.– 400 б.
2. Рене Уэллек, Остин Уоррен. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978. – 326 стр.
3. Йўлчиев Қ. Поэтик олам сирлари.- Т.: Академнашр, 2012.- 96 б.

Фарғона давлат университети,
2018 йил 27 августда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Х.Жўраев)